

# Хатми Қуръонга марҳабо!



14:57 / 26 март 571

Бугун, 2025 йил 26 март оқшомида, 1446 йил Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечасида юртимиздаги барча жомеларида бўлгани каби «Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф» жоме масжидида ҳам Қуръони Карим хатмонаси ниҳоясига етказилади.

Барча азизларимизни қориларимизнинг гўзал тиловатларидан баҳраманд бўлишга, Қуръони Карим хатмининг якунини биргаликда тинглаб, хатми Қуръон дуосида ҳозир бўлишга таклиф қиласиз.

Жамоатдаги биргина кишининг «омин»и сабабли дуолар қабул бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Хатми Қуръон чоғида мухлис мўмин кишиларнинг ҳозир бўлиши файз устига файз, Қуръоннинг эъзози, тантанаси бўлади.

Бу ғанимат онларда, хатми Қуръондан кейинги дуоларнинг мустажоб бўлишидан, Қадр кечасида қилинган тавба-тазарруларнинг қабул бўлишидан умидвор бўлган ҳолда, чин қалдан, холис дуолар қилиб, барча ўтганларимизнинг руҳларини шод қилайлик, юртимизга, бутун дунёга тинчлик-хотиржамлик тилайлик, барча эзгу тилакларимизни сўраб, Аллоҳ таолога ёлворайлик.

Аллоҳ таоло Рамазон ойида қилинган барча тоат-ибодатларни, хатми Қуръонларни ҳусни қабул айлаб, Рамазондан ҳаловат билан чиқишимизни, хотиржамлик топишимиизни, дуоларимиз ижобат бўлишини насиб этсин, Қуръонни қалбимиз баҳори қилсин!

Қадр кечасидаги Қуръон хатмонаси Тошкент вақти билан соат 20:30 да бошланади.

Манзил: <https://yandex.uz/maps/-/CDR8R0pH>